2006 ЙИЛ, 27 ИЮНЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 122-123 (10.679-10.680) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

ҲАЁТИМИЗДА МАТБУОТ АТАЛМИШ ОЛИЖАНОБ, УЛУҒВОР БИР ҚУДРАТ МАВЖУД. ЎЗИДА КАТТА МАЪНАВИЙ ВА МОДДИЙ КУЧ-ҚУВВАТНИ МУЖАССАМ ЭТГАН БУ ЮКСАК ТУШУНЧА БОЛАЛИКДАН БОШЛАБ УМРИМИЗ ДАВОМИДА БИЗНИНГ ЭНГ СОДИҚ, НУРАФШОН ЙЎЛДОШИМИЗ БЎЛАДИ. ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР МАЖМУАСИДАН ИБОРАТ БУ ОЛАМСИЗ ҲЕЧ БИР ОНГЛИ ШАХС ЎЗЛИГИНИ ТАСАВВУР ЭТА ОЛМАЙДИ. АГАР МАЗКУР ОЛАМГА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО ИМКОНИЯТЛАРИНИ ҲАМ ҚЎШИБ ТАСАВВУР ЭТАДИГАН БЎЛСАК, МИСЛСИЗ АХБОРОТ ДУНЁСИДА ЯШАЁТГАНИМИЗНИ ЯНАДА ЧУҚУРРОҚ ҲИС ЭТАМИЗ.

Ҳозир диёримизда 800 дан зиёд газета ва журнал чоп этилмоқда. 1100 дан ортиқ босмахона ва 60 та нашриёт фаолият юритмоқда. Бу рақамлар мазмунида нақадар катта куч ва маънавий қудрат борлигини очиқ-ойдин кўриб турамиз. Газеталаримизнинг, журналларимизнинг ҳар бирини номма-ном санаганда ҳам, уларнинг ҳар бирини алоҳида бир ифтихор билан тилга оламиз. Улар — Ўзбекистонимизнинг жонли тарихи, даврimiz садоси. Уларнинг ҳар бири ўзига хос услуб ва ифода тарзи билан, юртимизда ва оламда рўй бераётган воқеаларни холисона ёритиш йўли билан, она тилимизнинг жамики бойлиги ва ўзига хос гўзал маъно тебранишларини истеъфода этиш санъати билан кўнгилларга йўл топган. Газета ва журналларимиз инсоннинг фикрий қуввai ҳофизасини, ранг-баранг туйғуларини акс эттириб, уни ахборотлар дунёсига олиб киради, унинг дунёқарашини шакллантиради, кенгайтиради. Улар орасида ўзаро ҳамкорлик ҳам, ўзига хос рақобат ҳам, ўз мухлислари эҳтиёжини тўлароқ қондиришга бўлган интилиш ҳам — бизда ўткир, ҳозиржавоб, тўғрисўз, дадил, изланувчан қаламкашлар армияси ижод этаётганлигини кўрсатади. Биз холис ўқувчилар сифатида уларнинг ҳар бирини яқиндан биламиз, ишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Айниқса, бугун — буюк Истиқлолимизнинг 15 йиллик шонли байрами арафасида ҳар йили 27 июнда нишонланадиган анъанавий Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан улар бажараётган катта ишлар қўламини аниқ ҳис этамиз.

Ушбу нашрлар ичида ўзгармас газетамиз «Тошкент оқшоми» номини ҳам самимий эҳтиром билан тилга олишни истайман. Чунки бу газета кўзимнинг олдида дунёга келди, деб айтсам хато эмас. Шундай газета чиқишини эшитганимда ва унинг илк сонини қўлга олганимда нақадар қувончга тўлганман. Ахир, ижодкорлар учун янги бир ижодий минбарнинг дунёга келишидан ортиқроқ қувонч борми? Тўғри-да, дунёдаги катта шаҳарларнинг кўпида оқшом газетаси чиқсину нега бизда бўлмаслиги керак, газетанинг биринчи, илк сонини қўлма-қўл ўқиган пайтларимизни эътикиб эслайман.

«Тошкент оқшоми» — 1966 йилда Тошкент зилзиласидан кейин дунёга келди. Халқимизнинг, пойтахт аҳлининг кўнглидаги гап бўлди. Улкан қурилишларни, шаҳар янгиликларини, ҳамшаҳарларимиз ўй-туйғуларини ифода этиш учун туғилган бу газета ўзини тўла оқлади. У — шаҳар ҳаётининг кўзгусига, ҳар биримизнинг маслаҳатчимизга, яхшиликни, эзгуликни, ватанпарварликни, маънавий гўзалликни тарғиб этувчи ғоят эътиборли бир нашрга айланди. Унинг неча йиллик тахламларини варақлаган киши олтмиш йилликка яқин тарихимизни яққол кўради. Бу газетанинг ўзига хос ифода услуби, ихчам талқини, мароқли ҳикоя тили, материаллар ва фактларга бой йўналиши, ўқувчини ўзига тортадиган оҳанрабо жозибаси бор. Биз унинг ҳар бир янги сонини мунтазирлик билан кутамиз, ундан ниманидир ўрганамиз, ўзимизни қизиқтирган кўп саволларга жавоб топамиз. Биз мухлислар, ҳамкасблар яхши биламизки, ҳақиқий журналист бўлиш — бу истеъдод. Матбуотнинг бош қуроли — мўъжизакор сўздир. Сўз билан ишлай олиш, ундан ҳалол, беғараз, унумли, ўринли фойдалана билиш санъати катта маҳорат, масъулият талаб этади. Сўз — бу матонат, садоқат майдони. Шу сабабдан ҳам, журналистиканинг нони қаттиқ деган ибора мавжуд.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз қаламкаш дўстлар, Сизга ҳамиша ижодий омадлар ёр бўлаверсин!

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни





Бугунги кунда ҳаётимизни матбуотсиз тасаввур қилиб бўлмайди албатта. Матбуот ҳаётимизни гўё кўзгуда ёркин акс эттирувчи воситалардан саналади.

Мамлакатимиздаги мавжуд даврий нашрлар ҳамда радио ва телевидениеда кўплаб ўз касбининг устаси, заҳматкаш, ўткир қалам соҳиблари ижод қилиб келмоқдалар. Президентимиз таъкидлаганларидек «Фақат ўз касбига садоқатли, доимо эл-юрт манфаати, ўзгалар дарди билан ёниб яшайдиган журналистгина халқ орасида чинакам обрў-эътибор қозона олади. ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда ўз касбининг фидойиси бўлган ижод аҳллари матбуотимизнинг барча соҳаларида ўзларининг долзарб, халқчил, ўткир сўзлари билан халқимиз эътиборини қозонмоқдалар.

Азиз ҳамкасблар! Сизларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан муборакбод этамиз. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ҳамда ижодий баркамоллик тилаймиз.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси ҳамда Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорликда Ҳомийлар ва шифокорлар йили мавзуининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган давра суҳбати ўтказди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган «Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг матбуот органи: муаммо ва ечимлар» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Афғонистон Ислом Республикаси Парламенти Сенатининг Раиси Себгатулла Можаддедий раҳбарлигидаги делегация аъзолари кеча Ўзбекистон мусулмонлари идорасида бўлди. Шунингдек, Тошкент Ислом университети фаолияти билан танишишди, Темурийлар тарихи Давлат музейида ҳам бўлишди.

● Мамлакатимизда имконияти чекланган болаларнинг «Мафтункор ранглар дунёси» мавзуида 11-халқаро кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичлари ўтмоқда. Бу йилги танловнинг ўзига хос яна бир жиҳати — ташкилотчилар томонидан ғолибларнинг келгусида таълим олиши ва ҳунар эгаллаши учун моддий ва маънавий кўмак кўрсатилишидир.

● Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Тошкентдаги «Рэдиссон САС» меҳмонхонасида Унни бойитиш бўйича миллий дастурнинг журналистика, телевидение ва радиоэшиттириш соҳасидаги биринчи кўрик-танловининг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Қаршилик тадбиркор Ғафур Амиров ҳамда Хитойнинг «ZTE (ILK) Limited» масъулияти чекланган жамияти ҳамкорликда ташкил этган қўшма корхонада уяли телефон аппаратлари ишлаб чиқарилади. Янги қўшма корхонада уяли телефон ишлаб чиқарилиши ички бозорда мобиль алоқа воситаларига бўлган талабни қондириш билан бирга, харидоргир маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш имконини ҳам беради.

● Самарқанд туманида хусусий тадбиркор Нуриддин Бойназаров томонидан очилган цехда 20 турдаги «NISSA» салқин ичимликларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● Элликқалъа тумани миришкорлари Қорақалпоғистон Республикасида биринчи бўлиб давлатга дон сотиш шартнома режасини уддаладилар. Ҳар гектарнинг ҳосилдорлиги ўртача 40 центнерни ташкил этган бўлиб, шартнома режасидаги 4600 тонна донни ўриб, янчиб, ўз вақтида қабул пунктларига етказиб беришда фермерларга Жаҳон банки кредитига харид қилинган тўққизта «Класс» русумли комбайнлар жуда қўл келди.

ЖАҲОНДА

● Италияда конституциявий ислоҳотлар ўтказишни назарда тутувчи икки кунлик референдум бошланди. Ислоҳотлар Бош вазир ваколатларини кенгайтириш, янги парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқини бош вазирга ҳам беришни кўзда тутади. Референдумда, шунингдек, Италия вилоятлари мустақиллигини ошириш масаласи ҳам кўриб чиқилади.

● Украина Президенти Виктор Ющенко Ёшлар куни муносабати билан қилган радио мурожаатида Украина Бутунжаҳон савдо ташкилотига шу йилнинг кузида аъзо бўлиб кириши ҳақида ҳам таъкидлаб ўтди.

● ХАМАС гуруҳи Исроил ҳудуди бўйлаб ракета отишларини тўхтатишга рози. Ғазода ХАМАС ҳукумати Бош вазири Исмоил Хания ва Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос ўртасида бўлиб ўтган учрашувда шундай келишувга эришилди.

● Интернет тармоғида шу йилнинг 3 июнь куни ўғирлаб кетилган тўрт нафар россиялик дипломатнинг қатл этилганлиги ҳақидаги хабар тарқатилди. Уларни ўғирлаш ва қатл этганлик учун масъулиятни ўзини «Ал-Қоида» ташкилоти билан алоқадор дея маълум қилаётган «Шўро мужоҳидлари кенгаши» гуруҳи ўз бўйнига олган.

● «Мерсер» халқаро консалтинг компанияси томонидан ўтказилган рейтингда Россия Федерацияси пойтахти — Москва шаҳри дунёдаги энг қиммат шаҳар деб топилди. Ўтган йилги энг қиммат шаҳар — Токиога эса бу йил учинчи ўрин насиб этди. Иккинчи ўринни Жанубий Кореянинг Сеул шаҳри банд этди. Дунёнинг ўта арзон шаҳри деб Парагвай пойтахти Асунсьон шаҳри тан олинган.

● Туркиянинг Анталия курорт шаҳридан жануброкда жойлашган Манагавт шаҳрида содир бўлган портлаш тўрт нафар кишининг ҳаётига зомин бўлди, 25 киши жароҳатланди. Дастлабки тахминларга кўра мазкур портлаш террорчиларнинг иши деб баҳоланган бўлса-да текширувлар фожеага газ баллонининг портлаши сабаб бўлганлигини кўрсатмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек туман ўқувчилар ижодиёти уйида маҳаллаларда яшовчи меҳрга ташна болажонлар иштирокида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ташаббуси билан «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Тилларни ўрганамиз» курсининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Яккасарой туманидаги 118-мактаб қошида фаолият юритаётган оромгоҳда туман марказлаштирилган кутубхоналар тизимининг Бобур ҳамда «Шодлик» кутубхоналари ҳамкорлигида «Гиёвандлик — аср вабоси» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида тарбиячилар, тарбияланувчилар иштирок этишди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги «Оқ уй», «Файзиобод» маҳаллаларида фаол ёшлар иштирокида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Саломатликнинг ёш дўстлари» деб номланди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги Мирзо Иброҳим ва Қўйлиқ оти маҳаллаларида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида уюштирилган тадбирда фаол ёшлар иштирок этишди.

● **РЕСПУБЛИКА** техник ва амалий спорт турлари марказида ўқ отиш бўйича ўтказилган Ўзбекистон очиқ чемпионати мусобақалари Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан уюштирилди.

●**КЕЧА** Яккасарой туман марказлашган кутубхоналар тизимининг «Камалак» кутубхонаси ташаббуси билан 127-мактаб қошида фаолият юритаётган оромгоҳда тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Гиёвандликка қарши кураш» деб номланди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

СПОРТ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

ТОШКЕНТДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ СПОРТИДАГИ ЁШ ЕТАКЧИЛАРНИНГ БИРИНЧИ АНЖУМАНИ «ШАХСНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СПОРТНИНГ РОЛИ ВА МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ УЧУН КУЧЛАРНИ САФАРБАР ҚИЛИШДА ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ»ГА БАҒИШЛАНГАН. У РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН МАХСУС ОЛИМПИАДАСИ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИ ҲАМДА БМТ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКОНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Конференцияда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Польша ва Россиядан ёш спортчилар, спорт ташкилотчилари ва соҳага ихтисослашган журналистлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистонда ўсиб келаётган авлоднинг жисмоний ва маънавий тарбияси ҳақида ғамхўрлик қилиш Президент Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг энг муҳим омилларидан бири мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга эътиборнинг кучайгани бўлди. Шу мақсадда ҳукуматнинг қатор қарорлари, умуммиллий дастурлар қабул қилинди ва изчил амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёшларни спорт машғулотларига жалб қилишнинг уч босқичли тизими яратилди. У «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларининг ўтказилишида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолият кўрсатмоқда.

Оммавий хотин-қизлар спортини ривожлантиришда ҳам мамлакатимизнинг тажрибаси эътиборга лойиқ. Яқинда Қаршида II Республика хотин-қизлар спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда, ҳудудий мусобақаларни қўшиб ҳисоблаганда, жами бир миллион 600 минг хотин-қиз иштирок этди. 8 Мартга бағишланган Республика хотин-қизлар спорти ўн кунлиги ҳам анъанага айланди. Унда ўртача 1,1 миллион аёл ва қиз стол тенниси, бадминтон, шахмат, шашка, бадиий гимнастика, енгил атлетика мусобақаларида ўз маҳоратини намойиш этади. Хотин-қизлар қўмитаси кўмагида жойларда бадиий гимнастика, синхрон сузиш, стол тенниси каби спорт турлари бўйича ҳудудий федерациялар ташкил этилди. Эътиборли томони шундаки, сўнгги вақтда жисмоний тарбия ва спорт айниқса қишлоқда жадал ривожланмоқда. Қишлоқларда ўнлаб спорт мажмуалари, стадионлар қурилди, махсус мактаблар барча зарур жиҳозлар билан таъминланди, спортнинг кўплаб турлари бўйича секциялар очилди.

Мамлакатимизда имкониятлари чекланган болалар ва ёшларни ҳар томонлама ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш билан бирга, ижтимоий реабилитациясига, шахснинг шаклланишига ёрдам беради. Ўтган йили Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари ва Россиянинг II Махсус Олимпия ўйинлари ўтказилди. Алоҳида эътиборга муҳтож болалар ва ёшлар учун 2001 йилдан буён фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Махсус Олимпиадаси билан биргаликда кўплаб бошқа турнирлар, Параолимпия ўйинлари доирасида мусобақалар ўтказилмоқда.

Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти Р.Қурбонов, Ўзбекистон Махсус Олимпиадаси миллий директори, республика МОҚ «Хотин-қизлар ва спорт» комиссияси бош котиби Г.Саидова мамлакатимиз раҳбарининг спортни ривожлантиришга доимий эътибори ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Бугун Ўзбекистоннинг Давлат байроғи кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда кўтарилмоқда. 2004 йилда Афинада ўтказилган Олимпия ўйинлари натижаларига кўра, мамлакатимиз вакиллари спортда пешқадамлик қилаётган 35 давлат қаторига кирди.

Ўзбекистон вакиллари Осиё ўйинлари, спортнинг ҳар хил турлари бўйича жаҳон чемпионатларида салмоқли ғалабаларни қўлга киритмоқда. Спортчиларимизнинг олтин, кумуш ва бронза медаллари Ўзбекистон шарафини бутун дунёга тараннум этмоқда. Уларнинг спортдаги ютуқлари Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириб, мамлакатимизда нафақат спорт ривожланаётгани, балки ёш авлод кучли, жасур, ўз кучига ишонган, келажакка интилувчан бўлиб улғайиши учун кўп ишлар қилинаётганидан далолат бермоқда.

Спорт тадбирларида иштирок этиш ҳуқуқи БМТнинг қатор конвенциялари, жумладан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига киритилган. Ўзбекистон бу Конвенцияни МДҲда биринчилардан бўлиб ратификация қилган.

Спорт тўсиқларни енгиб, одамларни бирлаштиришда муҳим омил бўлади, деб қайд этди анжуман иштирокчилари. У Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга ёрдам бериши мумкин бўлган кучдир. Масалан, спорт оналар ва болалар саломатлигининг яхшиланиши, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари кенгайишига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Спорт билан фаол шуғулланиш инсоннинг ақлий имкониятларини оширib, янги билим ва таълим олишда ёрдам беради. Спорт ОИТС ва гиёвандликка қарши курашда энг тинч ва таъсирли воситадир. У иқтисодий ва ижтимоий ўсишга ёрдам бериб, инсоният олдида дунёни яхшироқ, адолатлироқ ва хавфсизроқ қилиш истиқболини яратади. Бу эса Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда бош вазифадир. Мамлакатимизда спорт бутун жамият тараққиётига таъсир қилувчи катта кучга айланганини вақт кўрсатиб турибди.

Оммавий спортни янада ривожлантириш учун етакчилар - кўнгиллиларни тарбиялаш катта аҳамиятга эга. Улар ўзлари спорт билан фаол шуғулланиб, бошқаларни унга жалб қилишга ҳисса қўшади. Бу ҳаракат кўпчилик мамлакатларда ривожланмоқда ва аҳолининг барча қатламлари учун турли мусобақаларни ташкил этиш билан шуғулланувчи давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг ҳақиқий ёрдамчисига айланмоқда, деб таъкидлади анжуманда Европа - Евроосиёнинг Махсус Олимпиадаси дастурларини ривожлантириш бўйича директори К.Круковский, Бухоро вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси мутахассиси Н.Латифхўжаева, Махсус Олимпиада қатнашчиси М.Алимбекова.

Конференция иштирокчилари жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича биргаликдаги ҳудудий лойиҳалар режасини ишлаб чиқадилар ва қабул қиладилар. Шу жумладан, спортда хотин-қизларни қўллаб- қувватлаш, алоҳида эҳтиёжга эга одамлар имкониятларини ривожлантириш дастурлари қабул қилинади. Муҳокама қилинаётган мавзулар орасида спорт ва таълим, спорт ёрдамида гиёвандлик ва ОИТСнинг тарқалишига қарши курашни кучайтириш билан боғлиқ масалалар ҳам бор.

Конференциянинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

А.ИВАНОВА,
З.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбирлари

№ 122-123 (27.06.2006)

27 июнь — Матбуот ва оммавий

Тадбирлар

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ХОТИН-ҚИЗ ЖУРНАЛИСТЛАРДАН БИР ГУРУҲИ ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИГА ТАКЛИФ ЭТИЛДИ.

Юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини фаоллаштириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг бари мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари томонидан мунтазам ёритилаётир. Бироқ бугунги глобаллашув, ахборот хуружлари кучайган жараён журналистлардан янада фаолроқ бўлишни, қаламга олинаётган мавзуга теран кўз, юксак масъулият билан ёндашувни талаб этмоқда. Зеро, юртимиз аёлларининг мақсад ва муддаоларини, орзу- интилишларини, уларни ўйлантираётган муаммоларни матбуот, телерадиоканалларда кенгроқ акс эттириш муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда оммавий ахборот воситаларида кўп йиллар фаолият кўрсатган бир гуруҳ фахрий журналистларга, шунингдек, матбаа ходимлари ҳамда ёш ижодкорларга Республика Хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин- қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ИЖОДКОРЛАР КЛУБИ ТАШКИЛ ТОПДИ

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ОАВ СОҲАСИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ, ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ БОРАСИДА БИР ҚАТОР ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Бинобарин, жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маиший қиёфаси матбуот, телевидение ҳамда радио орқали юзага чиқади. Айниқса информацион технологиялар жадал ривожланаётган, дунё аҳолисининг ахборотга бўлган талаби кескин ошиб бораётган бугунги кунда соҳа ходимлари олдига масъулиятли вазифаларнинг қўйилиши, табиий.

Шу маънода Миллий матбуот марказида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси томонидан «Тўртинчи ҳокимият—жамиятни демократлаштиришнинг муҳим омили» мавзуидаги давра суҳбатининг ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад ҳам ОАВ билан боғлиқ ютуқ ва муаммоларни таҳлил этишга қаратилганлиги билан эътиборлидир.

Тадбирда сўз олган таниқли сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков, «Сиёсат» ахборот-таҳлил маркази раҳбари Ғофур Жамолов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Равшан Охуновлар бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ОАВларда ёритилиши журналист касбининг жамият ҳаётидаги ўрни масалаларига эътибор қаратдилар.

Йиғилиш сўнгида бир гуруҳ ОАВ ходимларига эсдалик совғалари топширилди.

***

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган яна бир тадбир Журналистлар клубининг расмий очилиш маросимига бағишланди. Шуниси эътиборлики, янги ташкил этилган клубнинг асосий мақсад ва вазифалари соҳа ходимларининг ўзаро фикр ва ахборот алмашинувини мунтазам равишда рағбатлантириб бориш, улар ўртасида яқин мулоқотларни ўрнатиш, клуб аъзоларининг профессионал салоҳиятини кенгайтириш каби жиҳатларга йўналтирилгандир.

—Журналистлар клуби ўз сафига унинг мақсад ва вазифаларини тан оладиган ОАВ вакилларини ихтиёрий равишда аъзо қилади,—деди тадбирда сўз олган Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Фирдавс Абдуҳолиқов.— Зеро, бугунги глобаллашув жараёни журналистларга юксак иқтидор, ўзига хос касб маҳорати сингари талабларни қўйиш баробарида соҳа ходимларининг, доимо қўлни-қўлга бермоғи, ягона куч атрофига бирлашмоқлари даркорлигини ҳам кўрсатмоқда.

Айтиш мумкинки, клуб томонидан мамлакатимиз медиа тармоғини ривожлантириш, журналистларнинг касб маҳоратларини ўстириш мақсадида махсус мукофот ҳам таъсис этилади.

Шундай қилиб, мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланган Журналистлар клуби ташкил топди. Эндиликда у иқтидорли, замонавий компьютер тизимини пухта эгаллаган ёшларга маҳорат мактаби вазифасини ўташга ишониб қоламиз.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Кўнгил изҳори

«ОҚШОМ»ГИ ЧАШМАЛАРИМИЗ

АСПИРАНТУРАНИ ТАМОМЛАЁТГАН КЕЗЛАРИМ ЭДИ. МОСКВА ГАЗЕТАЛАРИДАН БИРИДА ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИДА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ ЧИҚИШИ ҲАҚИДАГИ ХУШХАБАРНИ ЎҚИБ ҚОЛДИМ.

Чет элларда бўлган даврларимизда ҳам газеталаримизни ёддан чиқармас эдим. Чехия, Словакия, Туркия, Греция, Сурия, Саудия Арабистонидан ёзган репортажларим, дўстлик алоқаларимиз, тарихий обидалар ҳақида материалларим босилиб чиққанда хурсанд бўлган онларимни эслайман.


Журналистлар билан кўп мулоқотда бўлар эканман, уларнинг меҳнати оғир, машаққатли эканлигига ишонч ҳосил қилганман. Бир материални ёзиб тугатиш, айниқса, танқидий ёки шикоятларни кўриб таҳлил қилиш, уларни ёритиш мураккаблигларидан бохабар бўлардим. Тинимсиз ижодий меҳнатни ўзига ҳамроҳ қилиб олган раҳматли устоз акаларимиздан бўлган Тўлқин Расулевни кўп эслайман. У кишидан кўп нарсани ўқиб-ўргандим, десам янглишмайман. Аҳли одоб, шеригига нисбатан иззат-икром, бир пиёла чой дилингизга ором бағишларди. Ширинсуханлигини айтмайсизми? Бирор материал ёзиб бериш кераклигини шундай илиқлик билан, хушмуомалалик билан айтардиларки, топшириқни чин кўнгилдан, имкон қадар яхшилаб бажаришга тиришмасдан иложингиз йўқ эди. У кишининг олдида дўстлари Билол ака, Абдурахмон ака, Олим ака каби ва бошқа ўнлаб ихлосмандлари билан қилган суҳбатларидан баҳраманд бўлганман. Бу суҳбатлардан бир дунё руҳий озуқа олиб қайтардик. Чиройли ҳазил-ҳузуллар, аския, кулгили афсандилар...

Ўтган қирқ йил ичида газетанинг жонкуярлари Саъдулла Карокатов, Эркин Зрназаров, Акмал Акромов, Солиҳжон Ёқубов, Дилшод Исроилов, Надежда Панякшина, Зуҳра Аъзамхўжаева, суратқаш мухбир Рустам Шариповлар билан кўп суҳбатларда бўлишга тўғри келган, фикр-мулоҳазалар устида тортишганмиз.

«Оқшом» газеталари бир чашмаки, ундан руҳий ва маънавий озуқа олмайдиган ўқувчи бўлмаса керак.

«Оқшом» ва «Вечерка»да босилиб чиққан материалларимни альбомлар қилиб қўйганман. Уларни ҳар гал варақлаганимда севимли шаҳримиз тарихи, ҳамшаҳарларимиз ҳаёти, янги-янги бинолар, саройлар, гўзал лицей-коллежлар ва бошқа илм даргоҳлари кўз ўнгимдан бирма-бир ўтади, кўп нарсалар, тўй ва шодиёналар намоён бўлади. Бунинг учун газеталаримиздан миннатдор бўламан, таҳририят ходимларига ижодий баркамоллик, сиҳат-саломатлик, юз йиллар давомида газетхонларни ҳушнуд қилиб туришини тилаб қоламан.

Қудрат АҲМЕРОВ,
кимё фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси олий таълим аълочиси, Тошкент Кимё технология институти профессори





Кундалик нашрларни газетхонларга ўз вақтида етказишда ўз ишининг устаси бўлган матбаа ходимларининг ҳам ҳиссалари каттадир.

СУРАТЛАРДА: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси матбаачилари (чапдан) Даврон Кудашев ва Шеродил Саидовлар иш устида.
Наталья Семёнова олган суратлар.

МАЪНАВИЯТИМИЗ ОЙНАСИГА АЙЛАНДИ

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЧОП ЭТИЛАЁТГАН ГАЗЕТАЛАРНИ БУНДАН 40 ЙИЛ ИЛГАРИГИ МАТБУОТ НАШРЛАРИ БИЛАН СОЛИШТИРИШ ҚИЙИН, АЛБАТТА. АММО ҚИРҚ ЙИЛ МУҚАДДАМ ЮЗАГА КЕЛГАН «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ЎШАНДА ҲАМ ЎЗ НУФУЗИ, МАЗМУН МОҲИЯТИ БИЛАН ГАЗЕТХОНЛАР ЭЪТИБОРИГА ТУШГАН ЭДИ.

Зеро, бу кундалик нашр ўз соҳаси, йўналиши, безаги ва ранг-баранг мақолалари билан доимо ажралиб туради. Бундай имкониятларни таҳририят ижодий жамоасининг ўзи яратади. Газетага истеъдодли ижодий кучлар келиб қўшилди. Бугунги кунда кўзга кўринган ёзувчи ва шоирлар бўлиб етишган қатор сўз санъаткорлари мазкур даргоҳда тер тўкиб ижод қилганлари ҳамон эсимда. «Тошкент оқшоми»ўз фаолиятини бошлаган ўша йиллари мен «Тошкент ҳақиқати» газетасида бўлим мудири бўлиб ишлардим. Бизлар билан бирга умидли ёзувчи Ўткир Ҳошимов ҳам ўз журналистик фаолиятини давом эттирарди. «Тошкент оқшоми» чиқадиган бўлдию, унга қатор истеъдодли ижодкорлар жалб этилди. Ҳамкасбим Ўткиржон ҳам янги нашрга сидқидилдан таклиф этилди.

«Тошкент ҳақиқати»чилар «Оқшомга» қўлларидан келган амалий ёрдамларини бера бошлашди. Ўша кезлари журналист сифатида мен ҳам «Оқшом»нинг фаол муаллифларидан бирига айландим. Фан ва маданиятга доир мақолаларим газета саҳифаларида кетма-кет чиқа бошлади. Ўтган вақт ичида Алиназар Эгамназаров, Тўлқин Расулев, Машъал Ҳакимов, Абдулла Пўлатов, Дилором Икромова, Абкар Йўлдошев ва бошқа тажрибали журналистлар билан ҳамкорлигимиз кучайди, тиниб-тинчимас, изланувчан бу журналистларнинг жўшқин меҳнати газета саҳифаларини янада қизиқарли мақолалар билан бойитиш имконини берарди. Шу боис газетанинг ҳар бир янги сонларини матбуот дўконларидан харид қилишга шошилувчилар кўпайгандан кўпая борди.

Ҳозирда ҳам «Оқшом» ўзининг ўша оммабоплигини сақлаб келмоқда. «Тошкент оқшоми» — маънавият ойнасига ҳам айланди. Инсоннинг одоби, маънавияти масаласи кўпчилик материалларнинг мавзусига айланган. Айни вақтда газетанинг қамров доирасида ва мушоҳада марказида бугуннинг долзарб масалалари ўз ифодасини топмоқда. Газетхонга манзур бўладиган, уларни ўзига тортадиган мавзулар ёритилаётганлигидан биз журналистлар яхши хабардормиз.

Кекса журналист сифатида газета ижодий жамоаси, унинг кўп сонли муаллифлари ва муштарийларини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами билан мубораксбод этаман.

Акбар АЛИЕВ,
жамоатчи мухбир

ҚУТЛУҒ ДАРГОҲДА ҚАЛАМИМ ЧАРХЛАНДИ

1978 ЙИЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИДА (ҲОЗИРГИ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА) ЎҚИБ ЮРГАН КЕЗЛАРИМ, ИНСТИТУТ МИҚЁСИДА КАТТА БИР АНЪАНАВИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ. УШБУ ТАДБИРНИ МАТБУОТДА ЁРИТИШ ҲАҚИДА ДЕКАНАТ ТОМОНИДАН КЎРСАТМА БЕРИШДИ.

Илк бор қўлимга қалам олиб, шу тадбир ҳақида ёзиб «Тошкент оқшоми» таҳририятига кириб келдим. Мақсадимни тушунтирган эдим, сиз Фан бўлимига Тўлқин акага учрашинг,—деб айтишди. Аста Тўлқин ака ўтирган хонага кириб келдим. Салом-аликдан сўнг у кишининг менга биринчи айтган гаплари: «Келинг, Азизим, хизмат», бўлди ва эски қадрдонлардек кутиб олдилар. Муддаони айтиб, ўзимни танитдим. Тўлқин ака мен олиб келган мақолага кўз югуртириб, «Жуда яхши ёзибсиз, Азизим қаламингиз ўткирга ўхшайди, ёзиб туринг, сиздек шифокор укаларнинг мақоласига муҳтожмиз, тез-тез келиб туринг. «Оқшом»-га қалами ўткир шифокорларнинг мақоласи жуда керак. Мақолангизга келсак, эрта-индин газета саҳифаларида ўқийсиз, — дея мен билан хайрлашдилар.

Ана шу биринчи учрашув, бу ширин сўзлар. Ҳар икки гапнинг биридаги «азизим» ибораси мени «Оқшом» билан ипсиз боғлади. Шу кундан эътиборан менда қандайдир ҳиссиёт пайдо бўлди. Тиббиётга оид мақолалар билан «оқшом» саҳифаларида чиқа бошладим. Ўша кезлари «Тошкент Оқшоми» газетасида фаолият кўрсатган иқтидорли адиб Ўткир Ҳошимов, бош муҳаррир Саъдулла Карокатов, Акмал Акромов, Солиҳ Ёқубов, Насриддин Муҳамадиев, Муҳаммад Юсуф сингари ўткир қалам соҳиблари билан танишдим, улардан кўплаб сабоқ олдим. Ҳар чоршанба куни бериб бориладиган «Саломатлик ҳақида суҳбатлар» саҳифасида албатта бирон бир тиббиётга оид мақолам босилар эди. Бундан ташқари «Инсон одоби билан», «Шанба оқшоми» саҳифалари менинг энг севимли саҳифаларимга айланган эди. Айниқса, аллергология соҳасига бағишланган ўнлаб мақолаларим мени элга танитган бўлса, газета саҳифасида чоп этилган мақолалар. Шунигдек, кўрсатма ва тавсиялар неча ўнлаб хаста дилларнинг шифо топишига сабабчи бўлди.

Бу қутлуғ даргоҳ мени ўз бағрига олиб «жамоатчи мухбир» сафига қўшганидан ва энг асосийси, шу жамоага аъзо эканлигимдан фахрланаман.

Фурсатдан фойдаланиб, «Оқшом» жамоасини касб байрамлари Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин дилдан қутлайман. Уларнинг машаққатли ва сермаҳсул меҳнатларига омад ва улкан зафарлар тилаб қоламан.

Ҳар кунинг нурга тўлсин, «Оқшом»,
Ҳар сонинг элга манзур бўлсин, «Оқшом».

Қутбиддин НИЗОМОВ,
жамоатчи мухбир

БИЗ УЧУН ҚАДРЛИ НАШР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИДАН БОШЛАБ БИРИНЧИ СОНИДАН ТОРТИБ ТО ШУ БУГУНГА ҚАДАР ҲАММА СОНИНИ ЎҚИБ КЕЛАМАН.

Шуни айтиш жоизки, «Тошкент оқшоми»да доимо бири-биридан қизиқарли материаллар бериб борилмоқда. Зеро, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мазмунан пишиқ-пухта таҳлилий мақолаларни, долзарб хабарлар, лавҳаларни тезкорлик билан ёритиб бориш зарур. Йўқса, ҳар қандай газета инқирозга учраши ёки газетхонларни йўқотиши ҳеч гап эмас.

Таҳририят ходимлари доимо изланишда. Газетхонлар эътиборига янги-янги рукнлар, долзарб мақолаларни беришга ҳаракат қиладилар. Шаҳримизнинг кундалик ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, янгиликлар тўғрисидаги ахборотлар, лавҳалар тезлик билан ёритилади.

Маънавият, иқтисодиёт, ижтимоий масалалар, спорт янгиликлари асосий мавзулардан ҳисобланади. «Тошкент оқшоми»да «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифасининг мунтазам эълон қилиб борилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу жараён газета билан газетхон ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлайди.

Ахлоқ-одоб ҳозирги куннинг асосий ва долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Бундан 30 йил олдин «Оз-оз ўрганиб доно бўлур» рукнида донишмандлар ҳикматлари берилар эди. Ҳозирда бу мавзу «Машриқзамин — ҳикмат бўстони» янги рукнида давом этмоқда. Бу ҳам газетхонлар учун айни муддао бўлди.

Келгусида «Тошкент оқшоми» саҳифаларида қизиқарли, янада ўқимишли мақолаларни кутиб қоламан.

Акбар НАБИЕВ,
иқтисод фанлари номзоди, меҳнат фахрийси

Ҳамкасбларимиз

МАТБУОТГА БАХШИДА УМР

ИНСОН ҚАЙСИ СОҲАДА ИШЛАМАСИН ЎЗ КАСБИГА МЕҲР ҚЎЙИБ, АСТОЙДИЛ МЕҲНАТ ҚИЛСА, АЛБАТТА ЙИЛЛАР ЎТИБ МЕҲНАТЛАРИ ҲОСИЛИНИ ОЛАДИ, ҲУРМАТ-ЭЪТИБОР ТОПАДИ. ЗЕРО, МЕҲНАТ ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ, ДЕБ БЕЖИЗ АЙТИЛМАЙДИ.

Бугунги кунда мамлакатимизда нашр этилаётган газета ва журналларда кўп йиллардан буён самарали ижод қилиб келаётган фидойи, заҳматкаш журналистлар жуда кўп. Улар орасида Ҳамид Султоновнинг алоҳида ўрни бор. Олий ўқув юртини тугатгач Ҳамид ака журналистикага бўлган ҳаваси,қолаверса матбуотга бўлган меҳри туфайли иш фаолиятини «Тошкент бинокори» газетасида мусаҳҳиҳликдан бошлади. Секин- аста таҳририятда малакасини оширгач, мухбир, газетанинг масъул котиби вазифаларида фаолият кўрсатди. Ҳамид ака шундан сўнг қарийб йигирма йил «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида масъул котиб ўринбосари вазифасида ишлади. Шуни айтиш жоизки, газета ва журналлар котибиятида ўз ишини пухта биладиган, газетани севадиган, унга меҳрини бағишлай оладиган, сабр-тоқатли ҳамма билан тил топишиб ишлайдиган киши ишлаши зарур. Газетанинг андозасини (макетини) тайёрлаш учун журналистик маҳорат бўлиши керак албатта. Ҳамид акада ана шу маҳорат бор, шу билан бирга газетанинг жонкуяри,барчага самимий муносабати, хушфеъллиги билан жамоада ўзига хос ҳурматга сазовор бўлди. Журналистиканинг нозик сирларини дастлаб забардаст журналистлар, шоир ва ёзувчилардан Шуҳрат Қосимов, Мақсуд Қориев, Холбек Ёдгоров, Жуманиёз Жабборов, Абдукарим Набихўжаев, Яхё Тўхтаев сингари ижод оламининг ўткир қалам соҳибларидан ўрганди. Уларнинг кўмагида таҳририятда тобланди, билим ва малакаси ошди.

Ўз ишини пухта биладиган матбуот жонкуярлари ҳамма нашрларда ҳам ўз ўрнини топа олади. Ҳамид ака кейинчалик Республика журналистлари минбари — «Ўзбекистон матбуоти» журналида ўз фаолиятини бошлаб, мана қарийб ўн уч йилдирки журнал таҳририятида аввалига бўлим муҳаррири, кейинчалик бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи бўлиб ишлади. Айни вақтда эса журнал бош муҳаррири вазифасини бажариб, таҳририят жамоаси билан бирга журналнинг мазмун-мундарижасини янада бойитиб,самарали иш олиб бормоқда.

— Матбуотнинг тоши оғир дейдилар. Ҳақиқатан бу касб ҳам заҳматли, ҳам шарафли касблардан саналади. Бугун ҳаётимни шу қайноқ касбга бахшида этганимдан, ижод оламида ўз ўрнимни топганимдан хурсандман, — дейди Ҳамид Султонов мамнунлик билан.— Ушбу журналда матбуотимиз фидойиларидан бўлган Зиёд Есенбоевдек бағри кенг устоздан журналистиканинг паст-баландини янада тўлиқ ўргандим.

Ҳамид аканинг матбуотга меҳри оиладаги муҳитдан бошланган дейиш мумкин. Икки акалари — Ё.Иброҳимов ва И.Султоновлар ҳам ижод аҳлларидан бўлиб, Ҳамид аканинг матбуот соҳасига кириб келишида ҳиссалари катта.

Айтиш жоизки кейинги йилларда журнал саҳифалари мазмунан кенгайиб янги рукнлар пайдо бўлди. «Муҳаррир минбари», «Ҳамкасбларимизда нима гап?», «Матбуотимизнинг ўқилмаган саҳифалари», «Шогирдлар устозлар ҳақида» сингари рубрикалар журналхонлар эътиборини тортмай қўймайди.



Ҳамид Султонов журналнинг келгуси сонларини тайёрлашда доимо янгиянги долзарб мавзуларни топишга интилади. Журналхонларнинг юрагидаги гапларни айтишга ҳаракат қилади. Бу албатта журналистдан катта маҳорат талаб қилади. Ҳамиша жонкуяр, ўз касбига фидойи бўлган Ҳамид Султоновни касб байрамлари билан қутлаб, ишда ҳорманг ва толманг, ижодингиз доимо гуллаб яшнасин,дея тилак билдириб қоламиз.


Дилором ИКРОМОВА

ахборот воситалари ходимлари куни

«Тошкентдан гапирамиз»

ҲАММА ВАҚТ ҲАВО МАВЖЛАРИДА

БУГУН ҲАЁТИМИЗНИ МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИСИЗ ТАСАВВУР ЭТА ОЛМАЙМИЗ. ТОНГДАН КЕЧ ОҚШОМГАЧА АХБОРОТ ОЛИШГА, ЯНГИЛИКЛАРДАН БОХАБАР БЎЛИШГА, СЎНГГИ ВОҚЕА ВА ҲОДИСАЛАР ТАФСИЛОТИНИ БИЛИШГА ҚИЗИҚАМИЗ. БУ БОРАДА ЭСА РАДИО, ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА ГАЗЕТА ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ТЕЗКОР ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁСДИР.





Биз бугунги мўъжазгина мақоламизни «Тошкент» телерадиоканали фаолиятига бағишламоқчимиз. «Тошкент» телерадиоканали ўз ичига «Тошкент» бош муҳарририяти ва «Дўстлик» бош муҳарририятлари каналларини қамраб олган. Мазкур 396,8м FM88 тўлқинлари ўз эшиттиришларини ўзбек, рус, тожик, уйғур, қрим татар тилларида олиб боради. Жорий йилнинг май ойидан «Дўстлик» муҳарририяти ўз эшиттиришларини 22 соат, «Тошкент» муҳарририяти эса 24 соат мобайнида узлуксиз равишда эфирга узатмоқда.

— Бизнинг тўлқинларимиз,— дейди «Тошкент» телерадиоканали муҳарририяти бош муҳаррири Исмоғил Фаттоҳов,— Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида истиқомат қилувчи фуқаролар учун мўлжалланган. — Бизнинг асосий вазифамиз радио тингловчи мухлисларимизнинг қалбларига йўл топиш, уларнинг кўнглидаги гапни топиб айтиш, дилларига сирдош бўлиб, қалбларини чароғон этишдан иборатдир. Ҳамиша мухлисларимизнинг энг севимли канали бўлиб қолишни истаймиз. Бугунги кунда республикамизда юздан ортиқ телерадиостудиялар эркин фаолият кўрсатмоқда. Бу эса ўз-ўзидан рақобатни пайдо қилади. Соддагина қилиб айтадиган бўлсак, улар мухлис талашади. Бу эса радио журналистларини янада ўз устларида кўпроқ ишлашга чорлайди. Одамлар ранг-баранг эшиттиришлардан мириқиб дам оладилар. «Замин», «Орият доно», «Жаҳон», «Сезам», «Ўзбегим таронаси» радиоканаллари нодавлат нотижорат хусусий каналлар бўлсада уларни Истиқлолнинг неъмати деб аташ мумкин. Радио журналистлар ҳар қандай эшиттиришларни бошлашдан олдин, хонандалар каби овозларини созлаб оладилар. Чунки ана шу овоз радио тўлқинларида муҳим роль ўйнайди. Тингловчилар сеҳрланиб қолиши ва айни дамда радио тўлқинлари оламига сингиб кетишлари жоиздир. Бу эса бошловчидан катта маҳорат, иқтидор, асосийси эса касбга меҳру-муҳаббат билан ёндошишни талаб этади. Сўзимнинг охирида биз билан ҳамиша ҳамкорлик қилиб келаётган «Оқшом» газеталари жамоасини касб байрамлари билан муборакбод этамиз. Ҳамкорлигимизнинг янгиянги босқичларининг кашф қилинишини умид қилиб қоламиз.

Дарҳақиқат, «Тошкентдан гапирамиз» деган сўзлар билан шаҳримиз тонгини қаршиловчи мазкур каналнинг мухлислари беҳисобдир. Эфир тўлқинлари орқалиқ бериб бориладиган «Субҳидам», «Менинг шаҳрим», «Санам», «Одимлар», «Тошкентликлар», «Маҳалла», «Кун мавзуси» каби эшиттиришлар ҳамшаҳарларимиз қалбидан кенг ўрин эгаллаган. Ҳаво мавжларида иқтидорли журналистлар Раъно Ортиқова, Алишер Исомиддинов, Исмоғил Фаттоҳов, Инобат Аҳмедова каби ўз ишининг усталари туну-кун тиним билмай меҳнат қилмоқдалар.

— Радиоканалимизга,— дейди «Тошкент» телерадиоканали директори ўринбосари Ҳожимурот Отақулов,— жудаям кўплаб заҳматкаш инсонларнинг меҳнатлари сингган. Булар марҳум устозларимиз, тўлқинларимизнинг асосчилари Қобилжон Холхўжаев, Собир Умаров, Зоҳид Отахоновлардир. Бугунги кунда эса, узоқ йиллардан бери самарали меҳнат қилиб, ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган заҳматкашларимиз Шоирхўжа Сиддиқхўжаев, Абдуҳаким Даминов, Юсуф Зиёев номларини меҳр ва ғурур билан тилга олишимиз мумкин. Улар ҳозирги кунда ҳам ёшларимизга ҳар томонлама ёрдам бериб келмоқдалар. Фурсатдан фойдаланиб газетангиз саҳифалари орқали республикамиздаги барча устоз журналистларни табриклаб қоламан.

Айтиш жоизки, бугунги кунда барча журналистлар бир эзгу ният йўлида хизмат қилаяпти, яъни миллийлигимизни кўрсатиш, қадриятларимизни қадрлаш, ёшларимиз онги ва тафаккурларини янада юксалтириш, маънавий дунёмизни бойитиш, асосийси эзгулик йўлида астойдил беминнат хизмат қилиш. Бу нурли ва порлоқ йўлдан бориш, халқ ишончига, меҳригa сазовор бўлишдек бахт барча матбуот ходимларига насиб бўлсин. Сўзимизни мухтасар қилиш баробарида «Тошкент» телерадиоканали ходимларининг ижодий ишларига равнақ тилаб қоламиз.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: «Тошкент» телерадиоканали ходимларининг иш фаолиятидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

СОЛИҚ ВА МАТБУОТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИДА МАМЛАКАТИМИЗ СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ, СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР ВА ЎЗГАРИШЛАР, СОЛИҚ ТИЗИМИ ҲАЁТИНИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА МАЛАКАЛИ ЁРИТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА СОЛИҚ ХИЗМАТИ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримовнинг солиққа доир фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан солиқ хизмати ходимлари кўраётган чора-тадбирлар, тизимда ислоҳотларнинг бориши, солиқ тўловчилар учун яратилган имтиёз ва имкониятлар бўйича батафсил маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан сўнгги йилларда мамлакатимизда солиқ сиёсатини либераллаштириш ва унификация қилиш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ органлари масъулиятини кучайтириш, солиққа оид жиноятларнинг олдини олиш мақсадида солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Айниқса, кичик бизнес ва фермер хўжаликларига берилган имтиёзлар уларнинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатяпти. Хўжалик юритувчи субъектлар топшираётган ҳисоботларни қисқартириш, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни камайтириш ва тартибга солиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг ҳам аҳамияти юқори бўлмоқда. Бу ахборот ва маълумотлар йиғилганларга кўргазмали слайдлар орқали намойиш қилинди.


Тадбир якунида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан солиқ тизими ҳаётини ёритишда фаол иштирок этаётган бир гуруҳ журналистларга Давлат солиқ қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Хотира уйғонса гўзалдир

БЕҚИЁС МЕҲРГА ОШЁН ЮРАК

ОДАТДА ҚАЛБИ ПОК, САМИМИЙ ИНСОНЛАР ҲАҚИДА БИРОР НАРСА ЁЗМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, ФИКРЛАРИНГИЗ ҲАМ ЎЗ-ЎЗИДАН ҚУЙИЛИБ КЕЛАВЕРАДИ. БИР КУНИ ЖАВОНДАГИ ДАСТХАТИ БИТИЛГАН ЁЗУВЧИЛАРНИНГ КИТОБЛАРИНИ ВАРАҚЛАР ЭКАНМАН, ҚЎЛИМГА ҚАЛБИ ПОК, ҲИММАТИ БАЛАНД, БАҒРИКЕНГ, ЧЕҲРАСИДАН ДОИМО ЯХШИ КАЙФИЯТ, САМИМИЯТ, ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ БАЛҚИБ ТУРАДИГАН ИСТЕЪДОДЛИ ЁЗУВЧИ ВА БЕНАЗИР МУҲАРРИР, УСТОЗИМИЗ САЪДУЛЛА КАРОМАТОВНИНГ МУБОРАК ДАСТХАТИ БИТИЛГАН КИТОБНИ ОЛИБ, УЗОҚ ХАЁЛГА ТОЛДИМ. ҲАР БИР ҲАРАКАТИДА ШИЖОАТ ВА САЛОҲИЯТ, ҒАЙРАТ ВА ҚУДРАТ, ҲАЁТГА УЛКАН МУҲАББАТ ЖЎШ УРИБ ТУРАДИГАН САЪДУЛЛА АКА БИЛАН БЎЛГАН ИЛК УЧРАШУВИМ ВА БУ ТАБАРРУК ЗОТ РАҲБАРЛИГИДА ИШЛАГАН КЕЗЛАРИМ, САЪДУЛЛА АКАНИНГ ҚЎЛ ОСТИДАГИЛАРГА КЎРСАТГАН МЕҲР-МУРУВВАТИ, БЕҚИЁС ҒАМХЎРЛИКЛАРИ, ЗАРУР БЎЛИБ ҚОЛГАН ПАЙТЛАРДА ҲАР БИР ХОДИМНИ ЎЗ ПАНОҲИГА ОЛИШГА ТАЙЁР БЎЛГАН ПАЙТЛАРИНИ ЭСЛАДИМ...



I.

Саъдулла ака билан дастлабки учрашувимиз бундан қарийб қирқ йил муқаддам, 1967 йилнинг январь ойида бўлиб ўтган эди. Бир куни Сағбон кўчасидаги ҳовлимизга Абдусамад ҳожи Обидхўжаев бориб қолдилар. Ўша кезларда Абдусамад ака «Тошкент оқшоми»да ишлар эдилар. Ҳол-аҳвол сўрашгач, Абдусамад ака дарҳол муддаога кўчдилар:

— Солиҳжон, сизни Саъдулла ака йўқлаяптилар.

Ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаб, ҳарбий хизматни эндигина тугатиб келган каминага ўша кезлари жуда ҳам машҳур бўлиб кетган «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига раҳбарлик қилаётган Саъдулла Кароматовнинг «элчи» юборганликлари сирини билолмай бошим қотди. Шу куниёқ ҳозирги Мустафо Отатурк кўчасидаги «Демир» супермаркети макон тутган бинонинг биринчи қаватига жойлашган «Оқшом» газеталарининг таҳририятига бордим. Саъдулла ака хонада газета саҳифаларини кўраётган эканлар. Котибанинг «Кирар экансиз», деган сўзлари яна ҳам ҳаяжонимни кучайтирди. Лекин бу улуғ инсондаги камтарлик, оддийлик, одамга меҳр билан боқиш каби ажойиб хислатларга Саъдулла ака билан биринчи учрашувдаёқ ўзим гувоҳ бўлганим боис мендаги ҳаяжон ҳам табиийки, ўз-ўзидан йўқолди.

— Солиҳ Ёқубовман денг. Ҳайрон бўлманг, мен сизни яхши биламан, мақолаларингизни ўқиганман, — деди Саъдулла ака ўткир нигоҳини қадаб. — Бизда ишлаш ниятингиз борми?

— Агар лозим топсангиз, — дедим ўнғайсизланиб.

— Шу гапингиз етади. «Оқшом»да ҳалол, меҳнаткаш, газетани севадиган одамлар ишлаши керак. Ҳозироқ ариза ёзинг. Эртадан бошлаб Машъал Ҳакимов бўлимида ишни бошлайверинг.

Гапни лўнда-лўнда қилиб гапириш одати бўлган Саъдулла ака билан биринчи учрашувимиз ана шундай йўсинда кечди.

II

Таҳририят йўлагида эса мени Абдусамад ака кутиб турарди ва табиийки, бош муҳаррир билан бўлиб ўтган суҳбатдан воқиф бўлар экан, қувончини яширолмай шундай деди:

— Саъдулла акадек зукко бош муҳаррир қабулидан бундай хурсанд ҳолда чиқишнинг ўзи бўлмайди, Солиҳжон. У киши унақа-бунақа одамни ишга олавермайди. Мана ўзим кечагина гувоҳи бўлган воқеа. Худди шу пайтда университетни битирган бир йигит Саъдулла аканинг хонасидан бўшашиб чиқди. Буни қарангки, ҳалиги йигит бош муҳаррир хонасига кириши биланоқ олий маълумотли эканлиги ҳақидаги дипломини Саъдулла акага кўрсатибди. Кейин денг, туман газетасида босилган иккита-учта мақола ва хабарларини ўзи мақтаб кўз-кўз қилибди. Унинг бундай мақтанчоқлигини кўрган Саъдулла аканинг энсаси қотиб «Дипломни чўнтакка солинг, мақолалар ҳам қолиб кетмасин. Бизда сизга иш йўқ», деб унинг жавобини берибди. Демак, сиз, Солиҳжон, бош муҳарририимизнинг назарига тушибсиз. Оқ йўл, яна бирга ишлашадиган бўлдик...

Дарҳақиқат, «Оқшом» газеталарида ишлаш чиндан ҳам жуда фахрли, масъулиятли эди. Чунки унга раҳбарлик қилаётган Саъдулла Кароматов ҳар бир ходимнинг руҳиятини, салоҳиятини ва қобилиятини бир кўрганда билиб оладиган бағрикенг, ҳиммат-саховатли, одил ва адолатли фазилат соҳиби бўлгани боис газетага қалами ўткир, серғайрат, оёғидан ўт чақнайдиган одамларни ишга олар, доимо улар тўғрисида отадек ғамхўрлик кўрсатар, ёзган мақолаларини мақтаб, янги ишларга руҳлантирар эди.

III

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Қарийб эллик йиллик қадрдон дўстим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг «Муқаддас қасамни бузганлар» номли мақоласи жуда шов-шув бўлди. Шифокорлар ҳақидаги бу мақола «Оқшом»да босилди-ю, Ўткиржоннинг боши маломатдан чиқмай қолди. Шўъба мудири бўлим мудирига, бўлим мудири эса табиийки, мафкура бўйича котибга кўрсатган. Саъдулла ака таҳририятга келадики, ҳамма ваҳимада, «Энди нима бўларкин?» деган савол уларни безовта қиларди. Шунда мен Саъдулла аканинг бўлаётган телефон қўнғироқларига мардона жавоб берганлигининг гувоҳи бўлганман. Дарҳақиқат бош муҳаррирimiz жасоратли инсон эди. Юқори идорадан кетмакет қилинган телефон қўнғироқларида бош муҳаррирдан тушунтириш хати, мақола муаллифини жазолаб, ишдан бўшатиш, бу масалани эрта билан соат олтида жамоа ўртасида атрофлича муҳокама этиш вазифаси қатъий қилиб топширилган эди. Табиийки, бу вақтда кўпчилик таҳририятдагилар ишини тугатиб, уйига кетиб қолган эди. Қарангки, шу куни ярим кечагача ҳар бир ходимнинг уйига бориб ёки телефон қилиниб, улар эрта тонгда, соат олтида бўладиган мажлисдан огоҳлантирилдилар. Мажлисда бош муҳаррирimiz Саъдулла Кароматов бутун масъулиятни, жавобгарликни бўйнига олган ҳолда, юқори идора талаб қилганидек, Виктор Энкерни ўз кафолатига олиб, вазифасида қолдирди. Бунинг учун ўша даврда шернинг юраги керак эди...

Юқоридаги мисолни келтирар эканман ҳозирги мустақилликка, ҳурликка эришган замонамизда қалам аҳлларига яратиб берилган ижод ва сўз эркинликларининг қадрига юз бор, минг бор етишимиз кераклиги ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деган сўзлар хаёлимдан ўтди.

Энди қудратли қалб соҳиби Саъдулла аканинг талабчан бўлиш билан бирга ўз қўл остидагиларга отадек меҳрибон ва ғамхўр эканлигига яна тўхталайлик.

Саъдулла ака ҳақиқатан жуда талабчан эдилар. Шу боисдан бошқа таҳририятдагилар ҳам «Саъдулла Кароматов билан ишлаш оғир», дея ҳайиқишарди. Лекин Саъдулла ака қўлидан чин маънода иш келадиган ходимини ҳеч кимга бермас, керак бўлса юқорида айтганимиздек, уларни доимо ўз ҳимоясига олар, уй-рўзғор муаммоларини ечишда уларга мадад қўлини чўзарди.

Таҳририятда иш бошлаган Машъал Ҳакимов асли Ўш вилоятилик бўлиб, машҳур адиб Чингиз Айтматов асарларини таржима қилган, у билан суратларга тушган, қирғиз, ўзбек ва рус тилларида бемалол гапирадиган ва иккала ҳовлиқма ходимни нордон гап билан хонасидан чиқариб юборди. Кейин эса Машъал Ҳакимовни ўз қабулига таклиф қилди.

—Ишлар қалай, Машъалвой,—деди ўшанда Саъдулла ака меҳрибонлик билан.

— Ёмон эмас, домла,—деди Машъал Ҳакимов гуноҳкор боладек.—Айбимга иқрорман. Ҳар қандай жазога лойиқман. Ишдан ҳайдасангиз ҳам майли.

— Ишдан ҳайдаш бошқа масала. Гап бундай, Машъалвой. Сизга осон эмаслигини биламан. Турмуш машаққатларидан эзилиб, қийналиб юрибсиз. Ўзингизни қўлга олинг. Ҳозир эса сизга жавоб. Уйга бориб қайнатма шўрва тайёрланг. Ўткиржон ва Солиҳжон билан бирга бориб, бир гурунглашамиз.

Саъдулла аканинг бу гапидан, ғамхўрлигидан боши осмонга етган Машъал Ҳакимовнинг кўзларидан дувиллаб ёш оққанига ўзим гувоҳ бўлганман. Шундай қилиб денг, ўша куни тушдан сўнг Саъдулла ака, Ўткиржон ва мен Машъал Ҳакимовнинг ҳозирги Тошкент универсал магазини орқасидаги тўққиз қаватли уйдан унга берилган бир хонали хонадонига бордик. Ўтиришга стул, чой ичишга пиёла, овқат ейишга коса ҳам йўқ эди. Машъал аканинг бисотида бор-йўғи қадимги каттакон хитой пиёласи бор экан. Унда ҳам овқат еб, ҳам чой ичар экан. Тўғриси, Саъдулла аканинг шу куни кайфияти бузилди. Лекин сир бой бермади. Машъал аканикидан тўғри яна ишхонага келдик. Шу ердан туриб Саъдулла ака Марказий универсал магазинининг ўша вақтдаги директори Қосим Абайхоновдан анқонинг уруғидек танқис бўлган поёндоз ва бошқа уй-рўзғор жиҳозларини илтимос қилди...

IV

Саъдулла Кароматовнинг юқоридаги каби меҳр-мурувватга, ғамхўрликлари ҳақида қанча гапирсангиз ҳам ҳеч тугамайди. Ходимларни уй-жойлар, машиналар билан таъминлаш дейсизми, уларнинг тўйларига жамоа билан бирга совға-саломларни кўтариб бориш дейсизми, маъракa-маросимларда ўз ходими билан ёнма-ён туриб, унинг дардига дармон бўлиш дейсизми, хуллас бундай чин инсоний фазилатлар жуда бисёр эди бу инсонда.

1969 йилнинг 16 майи эди ўша кун. Каминанинг тўнғич фарзанди — Шуҳратнинг бир ёшга тўлган куни эди. Шу куни Саъдулла ака жамоамиз аъзолари билан ҳаётимдаги қувончли кунни нишонлаш учун ҳовлига кириб келдилар. Саъдулла ака ўзининг ажойиб сўзлари, ҳазил-мутойибалари билан ҳар қандай давраларга ўзгача руҳ бағишлайдиган инсон эди. Зиёфат жуда мароқли ўтди. Шунда бирдан:

—Солиҳжон, отангизни даврага чақиринг,— деб қолдилар.

Раҳматли отамиз кириб келишлари билан Саъдулла ака у киши билан худди эски қадрдондек сўрашар экан:

—Қори ака, бир нарсани сўрамоқчиман. Мана бугун биз Солиҳжоннинг тўнғич фарзанди—Шуҳратжоннинг туғилган кунини нишонлаяпмиз. Сиз илмли одамсиз. Неварангизга бундай исмни қўйишдан мурод нима?

—Аёлимизга ёзувчи Шуҳратнинг қариндошчилик томони бор. Шу инсонга ўхшасин, шуҳратли, эл орасида довруғли бўлсин деган яхши ният билан неварага шу исмни қўйдик, Саъдулла ака,—дедилар дадам.

—Илоҳим ниятингизга етинглар,—деди-да, Саъдулла ака дадамларга яна шундай савол билан мурожаат қилдилар:

—Илгарилари ҳар бир ўзбек хонадонида чолғу асбоблари илиғлик турарди. Сизларда ҳам шундай чолғу асбоблари борми?

—Бор бўлганда қандоқ, Саъдулла ака, —дедилар қувониб дадамлар.—Нокамтарликка йўймасангиз бир гап айтаман: мен ҳам, аёлимиз ҳам дуторни яхши чертамиз. Уйимизда дутор ва рубоб доим туради.

—Хизмат бўлмаса айтинг, ўша рубобни келтиришсин...

Рубоб Саъдулла ака қўлида сайраб кетди. Туғилган кунга тўпланган барча қалам аҳллари Саъдулла Кароматовнинг берилиб, завқ билан рубоб чалишидан «маст» бўлиб ўтиришарди. Ҳа, чиндан ҳам Саъдулла ака қалби ана шундай завққа лиммо-лим, беназир инсон эдилар...

V


Мен Саъдулла ака ҳақида бугун дилимдан қуйилиб келаётган сатрларда азиз устозларимизнинг инсонийлик фазилатлари, одамларга, ўз ходимларига кўрсатган меҳр-мурувватлари, отадек ғамхўрликлари ҳақида ўзим гувоҳи бўлган баъзи воқеаларни қаламга олдим, холос. Бу улуғ зот ўзининг мумтоз бош муҳаррир, жамоат арбоби, истеъдодли ёзувчи, иқтидорли таржимон, қудратли қалб соҳиби, катта ташкилотчи, одамлар қалбига йўл топа оладиган, қалбининг меҳр гавҳари бор бўлган чинакам раҳбарлик фазилатларини намоён этди. «Амунинг зар кокиллари», «Кумуш камар» очерклар тўпламлари, «Бир томчи қон», «Тоғлар табассуми», «Ҳижрон», «Эътиқод» қиссалари, «Олтин қум», «Сўнгги барҳан» романларини яратиб, ёзувчилик истеъдодини яққол кўрсатган, беқиёс меҳрга ошён улкан қалб соҳиби Саъдулла Кароматов ўз асарлари, эзгу ишлари билан тириклик чоғидаёқ ўзига ҳайкал яратди. Унинг бири-биридан оқилу қобил фарзандлари, суюкли неваралари, садоқатли дўстлари-ю, биз каби шогирдлари бу табаррук инсоннинг ёркин хотирасини доимо ёдда тутамиз.

Солиҳ ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

Шаҳримизнинг азиз журналистлари, «Оқшом» газеталарининг заҳматкаш ходимлари!

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни барчангизга қутлуғ бўлсин! Ижодий ишларингизда зафарлару оилавий тотувлик, сиҳат-саломатлик доимо ёр бўлсин!

Қайноқ илҳом, аъло кайфият ҳеч қачон сизларни тарк этмасин.






«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ»
УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИ

ҲАМДА РЕСПУБЛИКА САЛОМАТЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ










барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини, жумладан, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоасини касб байрамлари билан муборакбод этади.

Сиз ўткир қалам соҳибларига доимо сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, ижодий зафарлар ёр бўлсин!

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида халқимизга соғлиқ-омонлик, тинчлик-фаровонлик тилаймиз.



«ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан энг эзгу тилакларни изҳор этган ҳолда самимий муборакбод этади.





Кайфиятингиз доимо чоғ, қаламингиз ўткир бўлсин. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида мустаҳкам соғлиқ, ишингиз доимо ўнгидан келишини тилаймиз.



Қадрли оммавий ахборот воситалари ва матбуот ходимлари!



Касб байрамингиз қутлуғ бўлсин. Мустаҳкам соғлиқ, ўткир қалам, оташин сўз сизларни асло тарк этмасин.



«MUXLISA QIZ»
хусусий фирмаси жамоаси

Шаҳримизнинг азиз оммавий ахборот воситалари ходимлари!

«ИФФАТЛИ КЕЛИН» ЎҚУВ МАРКАЗИ



сизларни касб байрамингиз билан чин дилдан қутлайди.



Сиҳат-саломатлик доимо ёр бўлсин, умрингизнинг ҳар бир лаҳзаси қувонч ва шодликларга тўлсин.





Энг яхши тилакларни билдирган ҳолда «Иффатли келин» ўқув маркази гўзал ва лобар, қўли гул хотин-қизларни ўқишга таклиф этади.



АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ ЖАМОАСИ

матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини, жумладан «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоасини касб байрамлари билан чин дилдан қутлайди.



Мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган янгиланиш, юксалишларни халқимизга ўз вақтида етказишда сизларнинг ҳиссангиз беқиёсдир.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ҳамда ижодий баркамоллик тилаймиз!







Кўнгилли дам олиб, маданий ҳордиқ чиқариш учун боғимизга марҳамат қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИ ЖАМОАСИ



Мустақил диёримизнинг ютуқларини кўрсатиб, шону шуҳрати, довруғини етти иқлимга танитаётган матбуот жонкуярларини, жумладан, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ходимларини касб байрамлари билан чин қалбдан табриклайди.



Қаламингиз сеҳри билан инсонлар юрагига шодлик, осойишталик ва хушнуд онларни ҳадя қилиш бахти билан ёниб яшаш сизларга насиб этаверсин. Бахт ва омад ҳамиша ёр бўлсин!!!



«ДАВРТРАНС» КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

телевидение, радио, газета ва журналларда фаолият кўрсатаётган шаҳримизнинг барча журналистларини касб байрамлари билан чин юракдан табриклайди.

Оилавий тотувлик, бахт-саодат, ижодингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Жамоамиз юкларингизни кўзланган манзилга доимо вақтида етказишга тайёр!

«ОЛТИН МЕРОС»

ХАЛҚАРО
ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ
ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

барча матбуот ходимларини, шунингдек «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоасини касб байрамлари бўлган



Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

билан самимий қутлайди.



Сизларга узоқ умр, тансиҳатлик, заҳматли ҳамда шарафли меҳнатларингизда зафарлар тилаймиз!







Шарафли ва машаққатли касб соҳиблари — матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда барча журналистларни қутлуғ шодиёналари билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Ижод йўлингиз ёрқин ва равон, изланишларингиз самарали, халқимиз фаровонлиги йўлидаги масъулиятингиз зиёда бўлсин.



«ИЖОД-ИЖОД»

ХУСУСИЙ
КОРХОНАСИ
ЖАМОАСИ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ ЖАМОАСИ

мамлакатимизда самарали ижод қилиб келаётган барча қалам аҳллари — матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини ҳамда ҳаммамиз учун қадрли бўлган «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоасини касб байрамлари билан чин дилдан табриклайди.



Ҳурматли журналистлар, сизларга ҳамиша соғлик-омонлик, бахт ва омад, ишларингизда ижодий баркамоллик тилаймиз.
Қаламингиз бунданда ўткир бўлиб, ижод пиллапояларингиз нурга тўлсин.



«AZIZA ZIYO»

ЎҚУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ



юртимизда фаолият юритаётган барча журналистларни касб байрамлари билан муборакбод этади !!!

Сизларга оилавий бахт, ижодингизга равнақ, ҳаётингизга битмас-туганмас саодатли кунларни тилаб қоламиз!!!
Масканимизга келинг — билимингизни мустаҳкамлаб, тафаккурингизни чархлаб олинг !



Ҳ.Ҳ.НИЁЗИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МУСИҚА КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

республикамизда ижод қилаётган серқирра қалам соҳибларини МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ билан табриклайди!!!



Азиз журналистлар, шоирлару ёзувчилар, ушбу улуғ кун сизларга қутлуғ бўлсин.
Эл дарди, ташвиши, шодлигию қувончи билан яшаб халқнинг дуосини олиш бахти ҳамиша сизларга муяссар бўлсин.
Кунларингиз мунаввар, тунларингиз чароғон кечсин.

Келажагингиз порлоқ, истиқболингиз ёркин бўлсин!!!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини, шунингдек «Тошкент оқшоми» газетаси жамоасини касб байрамлари билан қутлайди.
Қадрли қаламкашлар! Сизларга аввало мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, ижодингизга барака ва улкан ютуқлар тилаймиз.



ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг аукцион савдоларини ташкил қилиш Агентлиги» МЧЖ томонидан 2006 йил 6 июнь куни ўтказилган аукцион савдолари натижасида Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди»га тегишли 2002 йилда ишлаб чиқарилган «NEXIA GLE» русумли, давлат белгиси 10 AN 144 бўлган автоулов 7800000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй.
Телефонлар:
138-69-70, 138-69-93

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмокда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳаланасангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

Ўз-ўзи ўрганиш доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

БИР ДОНО НАСИҲАТИ

Маъқул ва мақбул киши гарчи хато гапираётган бўлса ҳам, унинг сўзларини одамлар ростдек қабул қилишаверади. Аммо номақбул киши рост гапираётган бўлса ҳам, одамларда унинг гапига ишонч бўлмайди, ёлғон гумон қилишади.

Халқ билан тил топиб бирга яшай олмаган одамга ширин ҳаёт ҳамиша аччиқ бўлади. Ҳар ким доно одамларнинг сўзини хор тутса ҳаётда кўп хорлик тортади. Бировнинг бошига ғам тушса ёрдам бериш ўрнига шодланган одамнинг ҳам бошига ғам тушмай қолмайди. Ўзгаларга фойда етказиш ўрнига зиён етказадиган одам тез кунда обрўйидан айрилади.

БИР ҲАКИМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Бахтиёрлик уч нарсада: саломатликда, ҳалол топган бойликда, хотиржамликда. Эркакка оройиш берадиган нарса иккита: яхшилик қилиш ва шарму ҳаё. Икки нарса борки, унинг ози ҳам кўп: бири—адоват, иккинчиси—чақимчилик. Уч тоифа одамнинг хизматидан дилтанг бўлмаслик керак: ота-она хизматидан, бемор хизматидан ва меҳмон хизматидан.

ДИЛКАШ САВОЛ-ЖАВОБ

Бузургмеҳр ҳакимдан сўрадилар:
— Дунёда нима ширин?
— Фарзанд! — жавоб берди у.
Яна сўрадилар:
— Уйқу нима?
— Енгил ўлим!—жавоб берди у.

БУҚРОТ ҲАКИМ ДЕЙДИ

У айтди: «Камтарликни туядан ўрганмоқ керакки, агар унинг арқонини сичқоннинг думига боғлаб қўйсанг, орқасидан кетаверади ва бундан ор қилмайди. Ботирликни шердан ўрганмоқ керакки агар уни мингта маст филнинг орасига ташлаб қўйсанг ҳам қўрқмайди ва орқасига қайтмайди».

Буқрот Ҳакимдан сўрадилар:
— Оловдан ҳам куйдирувчи нарса нима?
— Ғазаб?—жавоб берди у.
Яна сўрадилар:
— Ҳамма нарсадан олий ва юқори нарса нима?
— Инсондаги ҳиммат!—жавоб берди у.
Яна сўрадилар:
— Ўлдирадиган шароб қайси?
— Шаҳват!—жавоб берди у.
Яна сўрадилар:
— Ҳеч қачон вайрон бўлмайдиган бино қайси?
— Адолат биноси!—жавоб берди у.
— Яна сўрадилар:
— Охири аччиқ бўладиган ширинлик нима?
— Шошқалоқлик!—жавоб берди у.
Яна сўрадилар:
— Давоси йўқ касал қайси?
— Нодонлик,—жавоб берди у.
Яна сўрадилар:
— Эркагу хотинга ярашадиган либос қайси?
— Вафодорлик!—жавоб берди у.

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

Кимки бадавлатлик айёмида дўстларидан узоқлашса ожизлик айёмида ҳеч ким ёрдамга келмайди. Ҳар ким ҳаёт мен учун осонлик билан ўтсин деса, ҳасаддан узоқ бўлиши керак. Ундан сўрадилар: «Дўст ким?» Айтди: «Оғир кунда қўлингни тутувчи!» Яна сўрадилар: «Жаҳонда энг баттол кимса ким?» Айтди: «Ҳийлагар ва эгри қалбли дўст. Бундай дўст тушга ўхшайди, масалан, тушингда ажойиб нарсага эга бўласан, уйғониб қарасанг, қўлингда ҳеч нарса бўлмайди».

АРАСТУ НАСИҲАТИ

Бойваччада дўстлик, ёлғончида вафо, ҳасадчида роҳат, пасткашда мурувват, эгри ниятли кишида улуғлик бўлмайди.

ҚАНОАТЛИ ОДАМ

Қаноатли гарчи у ялангоч ва оч бўлса ҳам бойдир. Баднафс одам гарчи у зоҳирда бой кўринса ҳам гадойдир. Доно киши гарчи у асир бўлса ҳам амирдир.

ЖОЛИСУН ҲАКИМ НАСИҲАТИ

У айтди: «Ҳар кимнинг нафси ва орзуси имкон доирасидан чиқса, унинг ҳалокати шунда бўлади. Ҳар кимнинг ҳиммати ва интилиши қўли етмайдиган нарсага бўлса, паваста ғам ва ранж остида бўлади».

ЖУНАЙД БАҒДОДИЙ СЎЗЛАРИДАН

У айтди: Қуйидаги нарсалар инсонни паришонлик сари етаклайди: гўзал юзга тикилиш, ширин сўз тинглаш, бошнинг орқасидан қон олдириш, нонуштада аччиқ олма ейиш, вайроналарда узоқ айланиш, ҳунук хатга тикилиш».

Яна айтди: «Уч нарса билан уч нарса бирга бўлмайди: баднафслик билан ҳалоллик, ғазаб билан меҳрибонлик, лақмалик билан ростгўйлик».

УЛУҒ КИШИЛАР СЎЗИДАН

«Ҳар ким қуйидагилар билан ўтирса, қуйидаги нарсалар ҳосил бўлади: бойлар билан ўтирса бойликка ҳирс пайдо бўлади, кимки аёллар билан ўтирса, маломатга қолиш пайдо бўлади, катта одам кичкина болалар билан ҳамсуҳбат бўлаверса, обрў ва эътиборидан айрилади, кимки олимлар билан ўтирса, юрагида нуру сафо пайдо бўлади».

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

Анжуманлар

«САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ»

ҚАДИМДА ИНСОННИНГ ОВҚАТЛАНИШИГА ҚАРАБ УНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ, АҚЛЛИЛИГИ, КУЧЛИЛИГИ БАҲОЛАНГАН.

Қадимги ҳинд алломаларининг таъкидлашича, овқат характерни яратади. Шунга асосланиб бутун бир фалсафий тизимни ишлаб чиққанлар. Бу фалсафанинг тушунтиришича инсоннинг жаҳлдор, ишёқмас ёки меҳнаткаш бўлиши кўпинча овқатланишга боғлиқ. Овқатланишга фаросатсиз муносабатда бўлиш, кўп овқат ейиш инсон умрини қисқартириши мумкин.

Буюк аллома Алишер Навоий ҳам бу ҳақда шундай ёзган: «Сиҳат тиласанг кўп ема, иззат тиласанг кўп дема». Дарҳақиқат инсон саломатлигида овқатланиш муҳим аҳамият касб этади. Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Тошкент Тиббиёт академияси талаббуси билан «Саломатлик сирлари» мавзуида ўтказилган илмий-амалий анжуман ҳам шу мавзуга бағишланди. Унда Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари, 1, 2, 3-клиника ходимлари ва талабалар иштирок этдилар. Тадбирни Тошкент тиббиёт академиясининг ректори, академик Шавкат Каримов кириш сўзи билан очиб анжуман иштирокчиларини самимий кутлади. Шу билан бирга «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури асосида диетология мавзусида ўтказилаётган «Саломатлик сирлари» деб номланган мазкур анжуман халқимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди.









Анжуманда профессор Г.Шайхова «Диетология тарихи», Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош мутахассиси, профессор А.Худойбергенов «Парҳез маҳсулотларнинг шифобахш хусусиятлари» мавзусида ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Шуни ҳам айтиш жоизки, тадбир аввалида театр фойесида парҳез маҳсулотлари ва стендлар кўргазмаси, викторина, лотерея ўйинлари ташкил қилинди.

Тадбир давомида анжуман фаолларини тақдирлаш маросими бошланди. Ўқув стендлар номинацияси бўйича даволаш факультети кафедралари тайёрлаган «Ревматоид касалликларда парҳез таомлар», «Жарроҳлик операциясидан сўнгги диеталар» стендлари учун ҳамда тиббий-педагогика факультети кафедралари тайёрлаган «Онкология касалликларида парҳез таомлар», «Қандли диабетда овқатланиш тартиби стенди учун» ва бошқа кафедралар тайёрлаган стендлари учун муносиб совғалар билан тақдирландилар. Шунингдек, академиянинг 3-клиникаси жамоаси «Энг кўркам парҳез дастурхони», 2-клиника жамоаси «Парҳез таомлар дастурхони учун», 1-клиника жамоасига «Энг намунавий парҳез дастурхони» номинациялари бўйича муносиб совғалар топширилди. Бундан ташқари «Саломатлик сирлари» викториналарида ҳамда лотерея ўйинларида ғолиб деб топилган ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди. Шу куни академиянинг «Адреналин» ижодий гуруҳининг саҳна намойишларини йиғилганлар давомли қарсаклар билан олқишладилар. Анжуман сўнгида Ўзбек Миллий академик драма театрининг «Уч кунлик дунё» спектакли намойиш этилди.

Гулором ҲАМИДОВА

СУРАТЛАРДА: «Саломатлик сирлари» илмий-амалий анжумандан лавҳалар.

Раҳмонбек Исломов олган суратлар

«02»дан ҲОДИСАЛАР

● Мирзо Улуғбек туманида яшаш жойининг тайини бўлмаган Корнев деган шахс, таниши, шу туманда яшовчи Фуқаро Фадеевани учратиб, уни «квартира олиб бераман», деб алдаб, 100 АҚШ долларини олиб, яшириниб юрган.

Жабрланувчи аёл ички ишлар идораларига мурожаат этганидан сўнг, тезкор ходимлар Корневни излаб топиб, унга нисбатан чора кўриш мақсадида туман ички ишлар бўлимига олиб келишган. Тергов ишлари давомида маълум бўлишича, Корнев ўзининг яшаш жойи бўлмай туриб, алдов йўллари билан фуқароларни «уй олиб бераман» деб ишонтириб, катта миқдордаги пулларни ўз эҳтиёжига сарфлаб, яшириниб келган. Тергов давом этмоқда.

● Чилонзор туманида яна бир фирибгар қўлга олинди. Шу туманда яшовчи 24 ёшли Насиба исмли аёл 19 ёшли Нилуфар исмли танишини учратиб «Сени Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга киргизаман», деб алдаб, 10.500 АҚШ долларини олиб, то шу бугунга қадар пулнинг эгасидан яшириниб, юриб қайтариб бермаган. Ҳозирда Насибага нисбатан тегишли чора кўрилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Миробод туманида тунда, бирон ишининг тайини бўлмаган, Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи Тожиев, уяли телефонлар сотиш дўконининг эшигини бузиб кириб, у ердан 8 миллион 5000 сўмлик 50 дона ҳар хил русумли уяли телефон аппаратларини ва уларни қувватлаштириш ускуналарини ўғирлаб, шунингдек шу дўконда жойлашган суратхонанинг темир қутисдан 40.000 сўм пулни ўғирлаб кетган. Зудлик билан кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ушбу ўғирликни содир қилган Тожиев далилий ашёлар билан қўлга олинди.

● Учтепа туманида, кеч соат 21.00 да навбатчилик қисмига тушган хабарга биноан, номаълум шахслар фуқаро Зуҳуровга тегишли «Тико» русумли автомашинани, куч ишлатиш йўли билан, олиб қочиб кетишган. Натижада ҳайдовчи бош миянинг чайқалиши ташхиси билан касалхонага ётқизилган. Шаҳар миқёсида тезкор «Тутиб олиш» махсус режаси қўлланилиб, изқувар итлар билан тезкор ходимлар ушбу жиноятни содир қилган шахсларни қўлга олишга муваффақ бўлишди. Улар Тошкент вилоятида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган 22 ёшли Анвар ва Гули исмли шахслар бўлиб чиқди. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Юлдуз АШИРОВА, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази катта инспектори, майор

Футбол

ҲАММАСИНИ ПЕНАЛЬТИЛАР ҲАЛ ҚИЛДИ

АЛБАТТА, НИМЧОРАК ФИНАЛГА ЧИҚҚАН ЖАМОАЛАР ЧЕМПИОНАТДА ЎЗ КУЧ-МАҲОРАТИНИ КЎРСАТГАНИ УЧУН УШБУ БОСҚИЧДАГИ БЕЛЛАШУВЛАР КЕСКИНЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРИБДИ. КЎП ЎЙИНЛАРДА БЕЛЛАШУВ ТАҚДИРИНИ АТИГИ БИТТА ТЎП, ҲАТТО ЎЙИНДАН КЕЙИНГИ ПЕНАЛЬТИЛАР ҲАЛ ҚИЛМОҚДА.

Кеча майдонга тушган Италия ҳамда Австралия жамоалари ўртасидаги учрашувда ҳатто австралияликлар чиройлироқ ўйин кўрсатишди, десак янглишмаймиз. Бу Осиё қитъаси жамоаларининг маҳорати ошиб бораётганидан далолатдир.

Авваламбор ўйин бошида италияликлар мураббийси турли хил гап-сўзлар оралаб қолганлиги сабабли жамоанинг бугунги кундаги энг кучли ҳужумчиси Франческо Тоттини майдонга туширмаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шундай бўлса-да, ўйиннинг дастлабки дақиқаларида устунлик Европа футболчилари томонида бўлди. Альберто Жилардино, Лука Тониларнинг хавфли зарбаларини маҳорат билан ўйнаган дарвозабон Марк Шварцер бартараф этди. Ўз навбатида Марк Видуке, Жон Алоизи ва бошқа қатор австралиялик чарм тўп усталари италияликлар дарвозасига тўп киритиш имкониятига эга бўлишди.

Деярли бутун иккинчи бўлим давомида австралияликлар тез-тез ҳужумлар уюштириб турган бўлишса-да, бироқ уларга рақиб жарима майдончаси атрофида бир озгина аниқлик ва омад етишмади. Иккинчи бўлимда Тотти майдонга тушганидан сўнг эса италияликларнинг ўйинида ҳам ижобий бурилиш сезилди.

Ҳар ҳолда бир оз зерикарлироқ кечаётган ўйинда 0:0 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилиб, ўйиндан кейинги пенальтиларга ўтиладигандек туюлаётган эди. Ҳакам томонидан қўшиб берилган вақтнинг 2-дақиқаси, яъни ўйиннинг 92-дақиқасида италияликларнинг ҳужуми чоғида жарима майдончасида уларнинг ўйинчиси йиқилиб тушди ва рақибларнинг кучли эътирозларига қарамасдан ҳакам 11 метрлик жарима тўпини белгилади. Аслида италиялик ҳужумчисининг ўзи йиқилган, австралияликлар томонидан қоида бузилгани йўқ эди. Худди украиналикларнинг олдингги ўйинидаги каби ғал ҳам ҳакамнинг ўйин тақдирини ҳал қилувчи пенальтини нохолис тарзда белгилаганлиги мутахассису мухлислар дилини хира қилди. Бироқ ҳар нима бўлганда ҳам ҳакамнинг айтгани бўлади. Франческо Тотти қайтариб бўлмайдиган тарздаги кучли ва аниқ зарба билан ҳисобни очди ва 1:0 ҳисобидаги ғалаба италияликларнинг чорак финалга чиқишларига замин яратди.

Украина — Швейцария ўйини ҳам деярли кучи тенг рақиблар баҳси бўлганлиги сабабли гоҳ у, гоҳ бу терма жамоа ҳужумлар уюштириб турди. Жумладан, 20-дақиқада Калиниченконинг узатган жарима тўпини Шевченко боши билан дарвозага йўналтирганида тўп дарвоза тўсинига тегиб қайтган бўлса, орадан беш дақиқа ўтгач худди шунга ўхшаш хавфли вазият украиналиклар дарвозаси атрофида рўй берди. Бу гал Александр Фрай (Швейцария) томондан берилган кучли жарима зарбаси ҳам тўппа-тўғри дарвоза тўсинига бориб тегди.

Асосий вақтда ҳисоб очилмагач, жамоалар қўшимча вақтда тўп суришди — яна 0:0. Жаҳон чемпионатида илк бор ғолибни аниқлаш учун лотерея ҳисобланмиш ўйиндан кейинги пенальтилардан фойдаланишга тўғри келди.

Энг ҳаяжонли лаҳзалар. Қизиғи шундаки, дастлабки зарбани украиналиклар сардори Андрей Шевченко берди ва унинг зарбасини рақиблар дарвозабони қайтара олди. Бу швейцарияликларга зўр мадад бўлиши лозим эди, лекин... Марк Штреллер зарбасини ҳам украиналиклар дарвозабони ажойиб тарзда қайтарди. Заҳирадан майдонга тушган ёш, умидли ҳужумчи Артем Милевскийнинг зарбаси эса аниқ бўлди — 1:0. Швейцариялик Барнетанинг кучли зарбаси тўсинга тегди. Сергей Ребров ҳисобни 2:0 га етказди. Рикардо Кабаньяс (Швейцария)нинг учинчи зарбасини ўйин қаҳрамонига айланган дарвозабон Александр Шовковский қайтарди. Ниҳоят Олег Гусев баҳсга сўнгги нуқтани қўйди — 3:0.

Ушбу ғалаба украиналикларга чорак финалга йўл очди. Украина термаси ушбу босқичда италияликлар билан баҳс юритади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

МАМЛАКАТ XV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ БИРИНЧИ ДАВРАСИ 15-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИДА МУТАХАССИСЛАРУ МУХЛИСЛАР КУТМАГАН НАТИЖА ҚАЙД ЭТИЛДИ.

ЧЕМПИОН МАҒЛУБИЯТГА УЧРАДИ

Гап шундаки, Наманганда «Навбаҳор—Н» жамоаси меҳмони бўлган мамлакат чемпиони «Пахтакор» жамоаси муҳим уч очкодан маҳрум бўлди. Чемпионга қарши уюшган ҳолда ҳужумкор ўйин намойиш этган наманганлик чарм тўп усталари ғалаба қозониш иштиёқида майдоннинг ҳар бир қарич ерида муросасиз кураш олиб боришди. Тўпни бир-бирига аниқ узатишда, чиройли комбинациялар уюштириб меҳмонлар дарвозаси олдида тез-тез хавфли ҳужумлар уюштиришда чемпиондан кўра чиройли ўйин намойиш этган «Навбаҳор—Н» футболчиларининг ҳаракатлари зое кетмади. Мирзаев томонидан киритилган ягона гол «Навбаҳор—Н»га кичик ҳисобда бўлсада муҳим ғалабани туҳфа этди. Пахтакорчилар ҳисобни тенглаштиришга қанчалик уринишмасин, бунинг уддасидан чиқа олишмади.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Трактор» — «Тўпаланг» 4:1, «Нефтчи» — «Локомотив» — 2:0, «Металлург» — «Сўғдиёна» —1:2, «Самарқанд—Динамо» — «Андижон» — 6:1, «Машъал» — «Насаф» —1:1, «Бухоро» — Қизилқум» 0:0, «Хоразм» — «Шўртанг» — 2:2.

Мамлакат XV миллий чемпионати иккинчи давра 16-тур баҳслари 28 июнда бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ҒОЛИБЛАР ТЕРМА ЖАМОА САФИДА

ЎЗБЕКИСТОН СУВ СПОРТ САРОЙИДА СИНХРОН СУЗИШ БЎЙИЧА УЧ КУН ДАВОМ ЭТГАН МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ ЯКУНИГА ЕТДИ.

Уч кун давом этган мамлакат биринчилигида қизлар спортнинг нафақат соғлом турмуш гарови, балки ўзига хос байрам эканлигини исботлаб беришди. Беллашувлар якунида барча қатнашчиларга Республика Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг эсдалик совғалари топширилди. Мураббийлар эса вилоятларда синхрон сузиш спортини кенг ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссалари учун Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан муносиб тақдирланди. Мусобақаларда Ўзбекистон сув спорти мажмуаси аъзоларидан Шоҳида Зоҳидова ҳамда Юрий Ким томошабинлар олқишига сазовор бўлишди. Улар дуэт баҳсларида энг яхши натижани кўрсатиб биринчи ўринни қўлга киритишди.

Касаба уюшмалари қўмитаси жамоа аъзолари Азиза Мусақулова ҳамда Жанна Рўзиевага иккинчи ўрин насиб этди. Тошкентлик Анна Мавлудова ва Анастасия Хабибулина ҳам совриндорлар сафидан жой олишди. Андижон, Сирдарё ва жиззахлик спортчи қизларнинг иштироки ҳам мутахасисларнинг эътиборидан четда қолмади. Мусобақада нуфузли ўринларни қўлга киритган спортчилар мамлакат ёшлар терма жамоаси сафида халқаро турнирларда иштирок этиб, юртимиз шаънини ҳимоя қилишади.

Рустам ҲАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс"

Жамият

ТАРАҚҚИЁТ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНАДИ

ҲОЗИРГИ КУНДА ФАНДА ЖИНС ВА ГЕНДЕР ТУШУНЧАЛАРИ МАВЖУД. ЖИНС—КИШИЛАР ОРАСИДАГИ БИОЛОГИК ФАРҚ БЎЛИБ, ТЎҚИМАЛАР ТУЗИЛИШИНИНГ ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ, АНАТОМИК, ФИЗИОЛОГИК ВА ФАРЗАНД ТУҒИЛИШИ ФУНКЦИЯЛАРИ БИЛАН ИФОДАЛАНАДИ. ГЕНДЕР—ШАХСНИНГ ИЖТИМОИЙ МАҚОМИ ВА ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ БЎЛИБ, ЖИНС БИЛАН БОҒЛИҚ, ЛЕКИН У БОШҚА КИШИЛАР БИЛАН ЎЗАРО ТАЪСИРИДА НАМОЁН БЎЛАДИ.

Генетик, эндокрин ва церебрал омиллар эркак ва аёл ўртасидаги психологик фарқни эмас, балки психик ва ҳаракат фаоллиги даражасини белгилайди. Улар билан ҳаракат, у ёки бу фаолиятда мушак кучи, реакция тезлиги, қўзғатувчанлик боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб, киши хулқ-атвори ўзида фақатгина фаолликни эмас, балки бу фаоллик нимага йўналтирилган ва у қанақа шаклларда рўёбга чиқишини ифода этади. Психологик маънода киши хулқ атвори ўзида биринчи навбатда мақсад, мотивни акс эттиради. Мақсад ва мотив эса кишига миллий ва жамиятнинг таъсири билан боғлиқ. Маданият маълум белгилар тизимини ташкил этади ва у кишининг табиий хусусиятларини шакллантиради.

Гендер биринчи галда тараққиёт эркаклар ва аёлларга қандай таъсир этишини ўрганади.

Гендер концепцияси эркаклар ва аёллар ўртасидаги маданий, ижтимоий ва иқтисодий фарқ уларнинг уйдаги, иш жойидаги ва умуман жамиятдаги мавқеига қандай таъсир этишини ўрганади. Ушбу социологик жараён тез-тез ўзгариб турғани боис гендер муносабатлари кўпинча муайян ҳолатга боғлиқ бўлади. Бу гендер муносабатлари давлат, минтақа, этник гуруҳ, синф, маданият ва ёш гуруҳига қараб ривожланади демакдир. Гендерона «нигоҳ» ривожланиш жараёнида турфа хил ҳудудий муносабатларни намоён этади. Гендер ёндашуви барқарор ривожланишга оид чора-тадбирлар аёллар ва эркакларнинг ўзаро муносабатларида қандай таъсир ўтказишини ҳам англаш имконини беради.

Гендерни ривожлантириш борасидаги мажбуриятлар БМТ хотин-қизлар масаласига ўз муносабатини тубдан ўзгартирганидан далолат беради. Зеро, хотин-қизлар масаласи энди ривожланишнинг таркибий қисмига айланган, гендер эса шунчаки нуқтаи назар эмас. Гендер ёндошувига ҳар қандай лойиҳа ва сиёсатнинг моҳияти кўриб чиқилаётганида ривожланиш дастури учун аҳамиятли бўлган бошқа масалалар қаторида табиий ҳол сифатида қаралмоғи лозим.

Ва ниҳоят гендер ёндашувнинг мақсади эса қуйидагича:

● гендер тенглиги — хотин-қизлар ва эркакларда ишлаш, таълим олиш, даволаниш ва сиёсий миқёсда қарорлар қабул қилиш жараёнида эркаклар ва хотин-қизлар учун тенг имконият яратиш.

● аёллар ҳақ-ҳуқуқи — ривожланиш билан боғлиқ дастурларнинг самарасидан фойдаланиши учун зарур шароит яратилмоғи лозим.

Гулнора БУРХАНОВА

ОМАД ЁР БЎЛСИН

ЮРТИМИЗДА КЕМА-МОДЕЛЬ СПОРТ ТУРИГА ҚИЗИҚУВЧИЛАР СОНИ КУНДАН-КУНГА ОРТИБ БОРМОҚДА. МАМЛАКАТ МИҚЁСИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТГАН СПОРТЧИЛАР ХАЛҚАРО ТУРНИРЛАРДА ҲАМ ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНИ СИНАБ КЎРИШМОҚДА.

Куни-кеча вакилларимиз Хорватияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун Европага жўнаб кетишди. Сафар олдидан одатдагидек мураббий, спортчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Кема-модель спорти бўйича вакилларимиз жаҳон чемпионати мусобақаларида асосан мустақиллик йилларидан сўнг иштирок эта бошлашди. Ўтган йилги мусобақада улар хорижлик мутахассислар эътиборини қозониб, юртимизга учта медал билан қайтишган эди. Галдаги чемпионатга ҳам алоҳида тайёргарлик кўрилди. Етмиш нафар иштирокчи орасидан олтита спортчи жаҳон чемпионатига йўлланма олди.

Анжуманда иштирок этган мураббий ва спортчилар журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бераркан, мусобақада муваффақиятли иштирок этиб, бор имкониятлардан унумли фойдаланишларини алоҳида таъкидлашди.

"Туркистон-пресс"

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-806

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2147 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6